

**МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА БОЛА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ХАВФСИЗ МУҲИТНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ОИЛА-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**

Umida Sharahmetova

Fuqarolik huquqi kafedrası professori

Toshkent davlat yuridik universiteti, Yuridik fanlar doktori

Elektron pochta: Sharahmetova74@list.ru

Аннотация

Мазкур мақолада маҳалла тизимида бола манфаатларини ҳимоя қилишнинг оила-ҳуқуқий механизмлари, шунингдек маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш ва жиноятчиликнинг барвақт профилактикасини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикасини самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2-сон қарори асосида маҳалла институтининг болалар ҳуқуқларини таъминлашдаги ўрни ёритилган.

Мақолада Конституция, Оила кодекси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун нормалари асосида боланинг оилада яшаш, тарбияланиш, таълим олиш ва ҳуқуқий ҳимояга эга бўлиш ҳуқуқлари таҳлил қилинган. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини, профилактика инспекторлари, хотин-қизлар фаоллари ва ёшлар етакчиларининг ижтимоий хавфли аҳволдаги оилалар билан манзилли ишлашдаги вазифалари ёритилган.

Тадқиқот давомида болалар назоратсизлиги, оилавий низолар, оилавий зўравонлик ва вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда профилактик механизмларни кучайтириш зарурлиги асослаб берилган. Шу билан бирга, маҳалла тизимида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маҳалла, бола ҳуқуқлари, оила ҳуқуқи, профилактика, хавфсиз муҳит, вояга етмаганлар, жиноятчилик профилактикаси, оилавий муносабатлар, бола манфаатлари, ҳуқуқий ҳимоя.

**СЕМЕЙНО-ПРАВОВЫЕ МЕХАНИЗМЫ ЗАЩИТЫ ИНТЕРЕСОВ РЕБЕНКА И ОБЕСПЕЧЕНИЯ
БЕЗОПАСНОЙ СРЕДЫ В СИСТЕМЕ МАХАЛЛИ**

Умида Шарахметова

профессор кафедры гражданского права

Ташкентский государственный юридический университет,

доктор юридических наук

Электронная почта: Sharahmetova74@list.ru

Аннотация

В данной статье исследуются семейно-правовые механизмы защиты интересов ребенка в системе махалли, а также вопросы формирования безопасной среды и обеспечения ранней профилактики правонарушений в махаллях. На основе Постановления Президента Республики

Узбекистан «О дополнительных мерах по внедрению системы адресной работы по созданию безопасной среды в махаллях республики» и Постановления ПҚ-2 «Об организационных мерах по дальнейшему повышению эффективности ранней профилактики преступности в махаллях республики в 2026 году» раскрывается роль института махалли в обеспечении прав и законных интересов детей.

В статье на основе норм Конституции Республики Узбекистан, Семейного кодекса и Закона «О гарантиях прав ребенка» анализируются права ребенка на проживание и воспитание в семье, получение образования и правовую защиту. Также освещаются функции органов махалли, инспекторов профилактики, активистов по делам женщин и молодежных лидеров в адресной работе с семьями, находящимися в социально опасном положении.

В ходе исследования обосновывается необходимость усиления профилактических механизмов по предупреждению безнадзорности детей, семейных конфликтов, семейного насилия и правонарушений среди несовершеннолетних. Наряду с этим разработаны практические предложения и рекомендации по повышению эффективности системы защиты прав ребенка в деятельности махалли.

Ключевые слова: махалля, права ребенка, семейное право, профилактика, безопасная среда, несовершеннолетние, профилактика преступности, семейные отношения, интересы ребенка, правовая защита.

FAMILY-LEGAL MECHANISMS FOR PROTECTING CHILDREN’S INTERESTS AND ENSURING A SAFE ENVIRONMENT WITHIN THE MAHALLA SYSTEM

Umida Sharahmetova

Professor of the Department of Civil Law

Tashkent State Law University, Doctor of Law

E-mail: Sharahmetova74@list.ru

Abstract

This article examines the family-law mechanisms for protecting children’s interests within the mahalla system, as well as issues related to creating a safe environment and ensuring early crime prevention in local communities. Based on the Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan “On Additional Measures for the Introduction of an Integrated Targeted System for Creating a Safe Environment in Mahallas of the Republic” and Resolution PQ-2 “On Organizational Measures to Further Improve the Effectiveness of Early Crime Prevention in Mahallas of the Republic in 2026,” the role of the mahalla institution in ensuring children’s rights and legitimate interests is analyzed.

The article studies the child’s rights to live and be raised in a family, receive education, and obtain legal protection on the basis of the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the Family Code, and the Law “On Guarantees of the Rights of the Child.” It also highlights the activities of mahalla bodies, prevention inspectors, women’s activists, and youth leaders in conducting targeted work with socially vulnerable families.

The study substantiates the need to strengthen preventive mechanisms aimed at preventing child neglect, family conflicts, domestic violence, and juvenile delinquency. In addition, practical proposals

and recommendations are developed to improve the effectiveness of the child rights protection system within the mahalla framework.

Keywords: Mahalla, children's rights, family law, prevention, safe environment, juveniles, crime prevention, family relations, child interests, legal protection.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида инсон қадрини улуғлаш, аҳоли тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш, айниқса, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Жамиятнинг энг муҳим ижтимоий институти бўлган оилада боланинг соғлом тарбияланиши, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофазасини кучайтириш давлат ва жамият олдидаги долзарб вазифалардан саналади. Бу борада маҳалла институти оила ва давлат ўртасидаги муҳим ижтимоий-ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2-сон қарорида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни шакллантириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганлар билан манзилли ишлашнинг мутлақо янги механизмлари белгиланган. Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бола манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат муҳофазасида эканлиги белгиланган. Шунингдек, Оила кодекси, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда болалар ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланган. Ўзбекистоннинг БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциясига қўшилгани ҳам мазкур соҳадаги халқаро мажбуриятларни миллий қонунчиликка имплементация қилишга хизмат қилмоқда.

Оила кодексида мувофиқ, оилавий муносабатлар ўзаро муҳаббат, ҳурмат, ҳамжиҳатлик ва масъулият асосида қурилиши лозим. Боланинг маънавий, ахлоқий ва жисмоний ривожланиши учун энг муҳим муҳит оила ҳисобланади. Шу сабабли маҳалла институти оилалардаги ижтимоий муҳитни ўрганиш, муаммоли оилаларни аниқлаш, профилактик ишлар олиб бориш ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим вазифани бажаради.

Президент қарорларида маҳаллаларда “хавфсиз муҳит” тамойилини қарор топтириш устувор вазифа сифатида белгиланган бўлиб, бунда ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш, ижтимоий профилактика чораларини кучайтириш, айниқса, вояга етмаганлар назоратсизлиги ва қаровсизлигининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса бола манфаатларини ҳимоя қилишнинг оила-ҳуқуқий механизмларини янада кучайтиришни талаб этади.

Оила кодексида боланинг шахсий ва мулкӣ ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Хусусан, боланинг оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи, фикр билдириш ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи ва моддий таъминот олиш ҳуқуқи қонун билан кафолатланган. Маҳалла органлари ушбу ҳуқуқларни таъминлашда оилалар билан яқин ҳамкорликда ишлайди. Айниқса, ижтимоий хавфли

аҳволдаги оилаларни аниқлаш, ажрим ёқасида турган оилалар билан ишлаш, оилавий низоларни бартараф этиш ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш маҳалланинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

ПҚ-2-сон қарорда жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси тизимини кучайтириш мақсадида профилактика инспектори, маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва бошқа субъектларнинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш назарда тутилган. Бу механизм, айниқса, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки болалар ҳуқуқларининг бузилиши кўп ҳолларда нотинч оилавий муҳит, ижтимоий назоратнинг сусайиши ва тарбиявий ишлар етарли эмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Шу нуқтаи назардан, маҳалла тизимида профилактик фаолиятни кучайтириш бола манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий воситаси ҳисобланади. Маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ижтимоий хавfli аҳволдаги оилалар билан манзилли ишлаш, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш, болаларнинг таълим муассасаларига тўлиқ жалб этилишини таъминлаш орқали жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинади. Шунингдек, қарорларда ёшлар ва вояга етмаганлар билан “манзилли ишлаш” тизимини жорий этишга алоҳида урғу берилган. Бу орқали ҳар бир маҳаллада муаммоли оилалар, назоратга муҳтож болалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож вояга етмаганлар билан индивидуал тартибда ишлаш тизими шакллантирилмоқда. Бундай ёндашув боланинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини эрта босқичда ҳимоя қилиш имконини беради.

Боланинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашда ҳам маҳалланинг ўрни беқиёсдир. “Таълим тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ҳар бир бола таълим олиш ҳуқуқига эга. Шу боис маҳалла органлари мактабга бормайдиган болаларни аниқлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини таълимга жалб қилиш ва уларнинг мактабдан четда қолишининг олдини олишда муҳим вазифани бажаради. Бу эса ўз навбатида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг муҳим қисми ҳисобланади.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳимоя қилишда ҳам маҳалла институти муҳим ўрин тутаяди. Маҳалла органлари васийлик ва ҳомийлик органлари билан ҳамкорликда боланинг яшаш шароити, тарбия муҳити ва манфаатларини ўрганишда иштирок этади. Болани оилага жойлаштириш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган чоратadbирлар ҳам айнан маҳалла тизими орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, амалиётда айрим муаммолар ҳам мавжуд. Хусусан, маҳалла ходимларининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, бола психологияси бўйича мутахассислар камлиги, айрим ҳолларда оилавий зўравонлик ҳолатларининг яширилиши ҳамда профилактика ишларида тизимли ёндашувнинг етишмаслиги болалар ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан қуйидаги таклифларни илгари суриш мақсадга мувофиқ:

- маҳалла ходимларининг бола ҳуқуқлари ва оила ҳуқуқи соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;
- ҳар бир маҳаллада болалар масалалари бўйича маслаҳат марказларини ташкил этиш;
- оилавий низоларни ҳал қилишда медиация механизмларини кенг жорий этиш;
- профилактика инспекторлари ва маҳалла органлари ҳамкорлигини рақамлаштириш;
- ижтимоий хавfli оилаларнинг ягона электрон базасини шакллантириш;
- болалар билан ишлашга психолог ва ижтимоий педагогларни кенг жалб қилиш.

Хулоса қилиб айтганда, маҳалла тизими Ўзбекистонда бола манфаатларини ҳимоя қилиш ва хавфсиз муҳитни таъминлашнинг муҳим оила-ҳуқуқий институти ҳисобланади. Президентнинг мазкур қарорлари маҳаллаларда профилактика ва манзилли ишлаш тизимини кучайтириш орқали болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бола манфаатларини таъминлаш нафақат оиланинг, балки бутун жамият ва давлатнинг устувор вазифаси ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш йўналишида яхлит манзилли ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2026 йилда республика маҳаллаларида жиноятчиликнинг барвақт профилактикаси самарадорлигини янада ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2-сон қарори.
7. БМТнинг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси. – Нью-Йорк, 1989.
8. Муаллифлар жамоаси. Фуқаролик кодексига шарҳлар. – Т.: Baktria Press, 2010.
9. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Оила ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: TDYU нашриёти, 2021.
10. Очилов М. Оила ва бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари. – Т.: Адолат, 2020.
11. Исмоилов Б. Вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари // Юридик фанлар ахборотномаси. – 2022. – №3.
12. Юлдашев А. Маҳалла институти ва жамият хавфсизлиги масалалари // Давлат ва ҳуқуқ. – 2023. – №2.
13. Абдурасулова Қ. Оилавий муносабатларда бола манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари // Юрист ахборотномаси. – 2021. – №4.
14. LexUZ миллий қонунчилик базаси
15. United Nations – Convention on the Rights of the Child